

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва юридик шахслар учун қаттиқ ва суюқ маиший
чиқинди (М.Ч.)ларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш

2 -сонли ШАРТНОМА

«12» январь 2021 й

Данғара тумани

Бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи корхона тўғрисидаги Низом асосида фаолият олиб боровчи Фарғона вилояти “AGRO RISHTON TA’MIR SERVIS” MChJ Данғара туман филиали раҳбари Н. Табаров бир томондан ва бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи Данғара тумани ЯЕТБ номидан раҳбар А. Саидов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. Шартнома мазмуни

1.1. “Буюртмачи” қаттиқ маиший чиқиндилар (бундан буён ҚМЧ деб аталсин) ни топширади “Ижрочи” эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвасига “Буюртмачи” томонидан махсус белгиланган жойга йиғилган ҚМЧ ларни ташиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизмат учун ўз вақтида тўловларни тўлаб бериш шарт.

1.2. ҚМЧ ларнинг умумий ҳажми бир йилига 2003 м3 суммани ташкил этади.

2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх хар бир м3 ҚМЧ учун 40 000 сўм, ҚҚС билан сўм.

2.2. Суюқ маиший чиқинди (СМЧ) шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх хар бир тоннаси учун сўм, ҚҚС билан сўм.

2.3. Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси 80 200 000 (саксон илтимон икки юз илти) сўмни ташкил этади.

2.4. Ҳисоб-китоб ҳисоб рақамига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йил кунги ПҚ-5580-сонли Фармонида асосан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга оширилади.

3. “Буюртмачи” мажбуриятлари

3.1. Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғилиш ҳажми ва олиб чиқиб кетиш муддати соат 08:00 дан 17:00 гача чиқиндилар йиғиш қутиларига олиб чиқиб ташлаш белгиланган.

3.2. ҚМЧ ташланадиган қутиларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндилар ва шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида ҳақ эвасига бир маротабалик шартнома тузиш.

3.3. Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурлмаларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолатда сақлашни таъминлаш.

3.4. ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда телефонига телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочи”га маълумот бериш.

3.5. Бажарилган ишнинг ҳажмини “Ижрочи”нинг ҳужжатларида “Буюртмачи” вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари

4.1. Шартномада кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чиқиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.2. “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-

4.3. Хар ой бошига ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида “Буюртмачи” ҳисоб рақамга тўлов талабномасини юбориш.

4.4. “Буюртмачи” томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилган манзилдан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йўналишларда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

5. Томонларнинг жавобгарликлари

5.1. “Буюртмачи” томонидан кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаган миқдорда “Ижрочи”га пеня тўлайди.

Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилиги иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

5.2. “Ижрочи” ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,4% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда “Буюртмачи”га пеня тўлайди.

5.3. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.